

Салавоти шарифнинг фазилати



09:41 / 07 август 1283

Аллоҳ таоло ҳеч нарсага, ҳеч кимга эҳтиёжи бўлмаган ҳолда, Ўз Пайғамбари ҳазрати Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга салавот айтади, бас, бунга кўра, умматларининг ул зотга салавот айтмоғи нақадар зарурдир. Чунки мўъминлар у зотнинг шафоатларига муҳтождирлар.

رَأْسَبُ نُبٌ دُمَّحُمٌ أَنْتَ دَح
[رَأْدُنُبٌ] ،
يَنْتَدَحُ ، ةَمِّيَعُ نُبٌ دِلَاخُ
يُعْمَزَلَا بُوُقُعِي نُبٌ يَسُومُ
نُبٌ هَلَلَا دُبَعُ يَنْتَدَحُ
نُبٌ هَلَلَا دُبَعُ نَأُ ، نَأْسُيَكُ

هَلَلَا ذُبَعٌ نَعٌ، هَرَبُخًا دَادَش
هَلَلَا لُوسَرٌّ نَأٌ، دُوْعَسَمِ نُب
مَلَسَوِ هَيْلَعِ هَلَلَا يَلَص
مُوي يَبِ سَانَلَا يَلَوَأُ» :لِاق
ةَالَصَّ يَلَعِ مُهْرَثُكَأٌ، ةَمَايِقُ لَا
».

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Қиёмат кунида инсонларнинг менга энг яқини менга энг кўп салавот айтганидир» («Сунани Термизий», 352-боб, 484-ҳадис).

انَرَبُخًا، رُجُحٌ نُبٌ يَلَعِ اَنَثَّ دَح
نَعٌ، رَفَعَجٌ نُبٌ لِيَعَمُ سَا
نَعٌ، نَمُحَّرَلَا ذُبَعِ نَبِ ءَالَعُ لَا
:لِاق، ةَزِيْرُهُ يَبَأُ نَعٌ، هَيْبَأُ
هَلَلَا يَلَصِ هَلَلَا لُوسَرَّرَلِاق

يَلِّصُ نَمَ «: مَلَسَ وَهِيَ لَع هَلَلَا يَلِّصُ، ةَالَصُ يَلِّع »أَرْشَع [أَوْبِ هِيَ لَع

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам дедилар: **«Кимки менга бир салавот айтса, у туфайли Аллоҳ унга ўн салавот ёзади»**. («Сунани Термизий», 352-боб, 485-ҳадис, ҳасан-саҳиҳ).

Суфён Саврий ва кўп илм аҳлидан ривоят қилинади: **«Раббнинг салоти - раҳмат, фаришталарнинг салоти - истиғфордир»**.

Қуръони Карим тиловати ва Аллоҳнинг зикридан кейин ҳазрати Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламга салавот айтиш энг савобли амаллардан ҳисобланади. Чунки бу Аллоҳнинг амридир. Шунинг учун солиҳ ва муттақий зотлар ўз тобеларига севикли Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламга салавот айтишни кунлик вазифа ҳам қилиб берадилар.

Исмоил Ҳаққий Бурсавий айтадилар:

«Ҳадиси шарифда айтилади: «Менга салом берган ҳар бир мусулмон банданинг саломига алик олмоғим учун Аллоҳ таоло руҳимни менга қайтаради».

(Имом Байҳақий, «Шуъабул-иймон»; Имом Абу Довуд, қаранг: «Ал-фатҳул-кабир», 3/103).

Бу ҳадиси шарифдан чиқадиган хулосага кўра, ҳазрати Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам барзах оламида ҳаётдирлар. Чунки кечами, кундузми, доим ул зотга салом бериб турадиган бирор киши топилади. («Рухул-баён», 6-жилд, 479-саҳифа).

«Энг гўзал салавотлар» рисоласидан

Ушбу рисола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 29
октябрь 03-07/6661-сонли хулосаси асосида чоп этилган.